QMMB: 07/22/349/0733-son
11.08.2022-y.

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
# QARORI

2022 yil «11» август №ПҚ–349

## Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш ва аҳоли пунктларида тозаликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 августдаги "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–189-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

**1.** Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмаси бошқарув органининг ушбу **ташкилотни тугатиш** ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказлари негизида **Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази** (кейинги ўринларда – Марказ) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича ҳудудий филиаллари ташкил этилсин.

**3.** Қуйидагилар Марказнинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни ривожлантириш, абонентлар ҳамда тўловлар ҳисобининг **ягона биллинг тизими**, шу жумладан **электрон тўлов тизимларини такомиллаштириш**;

чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловларни ундиришда **электрон тўлов тизимларидан фойдаланиш харажатларини марказлаштирилган ҳолда қоплаш**;

аҳолини маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш **хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш, маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш ҳажмини оширишга** қаратилган ишларни изчил давом эттириш, соҳага замонавий инновацион технологияларни жорий этиш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун **тарифларни шакллантириш, иқтисодий-техник жиҳатдан асослантириш, ваколатли органлар билан келишиш** борасида ишчи орган вазифасини бажариш;

соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш, давлат-хусусий шериклик битимларини амалга оширишда иштирок этиш, инвестиция лойиҳалари юзасидан **лойиҳа таклифлари ва бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ҳамда ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш**;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш ҳолатини тизимли **мониторинг ва таҳлил қилиш**, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси) тизимига кирувчи **санитар тозалаш корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолиятини мувофиқлаштириш**.

**4.** Қуйидагилар:

**Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази марказий аппаратининг тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

**Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази ҳудудий филиалларининг намунавий тузилмаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**5.** Белгилаб қўйилсинки:

**а)** Марказ Давлат экология қўмитаси тизимидаги **давлат муассасаси** ҳисобланади;

**б)** Марказ директори мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича Давлат экология қўмитаси **раиси маслаҳатчисига** тенглаштирилади;

**в)** Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари фаолияти қуйидаги манбалардан **молиялаштирилади**:

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқбузарликлар бўйича ундирилган жарималар ҳамда чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун ундирилган компенсация тўловларининг Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасига ўтказиладиган миқдоридан қолган қисми;

давлат унитар корхоналари томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахсларга кўрсатилган хизматлар учун ундирилган тўловлардан ажратмалар;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

**г)** қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар аҳоли томонидан тўлов ҳисобланган даврдан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар Марказнинг махсус транзит банк ҳисобварақларига тўланади ва унинг махсус банк ҳисобварағида жамланади;

**д)** Марказнинг махсус банк ҳисобварағида жамланган маблағлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади ва тўлов топшириқномаларисиз тегишли ташкилотлар ҳисобварақларига **автоматик тарзда** ўтказилади;

**е)** Марказ давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилиши натижасида санитар тозалаш хизматлари тўлиқ хусусий секторга ўтган ҳудудлардаги "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхоналарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

**6. 2023–2024 йилларда қаттиқ маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш бўйича манзилли дастур** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, ушбу манзилли дастур доирасида:

Давлат экология қўмитаси маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш ишларига буюртмачи ҳисобланади;

харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тенг миқдорда молиялаштирилади;

рекультивация қилинган ҳудудлар маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг **ер захираларига** қайтарилади.

**7.** Қуйидагилар:

**2023–2024 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш шохобчаларини қуриш бўйича манзилли дастур** 4-иловага мувофиқ;

**2023–2024 йилларда қурилиш чиқинди полигонларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастур** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, ушбу манзилли дастурлар доирасида:

қурилиш ишлари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ташкил этилади;

харажатларни молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

QMMB: 07/22/349/0733-son
11.08.2022-y.



қурилиши тугалланган чиқинди тўплаш шохобчалари улар жойлашган ҳудудда хизмат кўрсатувчи тегишли санитар тозалаш корхонасига, қурилиш чиқинди полигонлари эса чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш бўйича технологияларни татбиқ этган ҳолда қўшимча равишда капитал қўйилмалар ва инвестицияларни жалб қилиш шарти билан хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик битимининг амал қилиш муддатига берилади.

**8. 2022–2023 йилларда ижтимоий соҳа объектларини чиқинди контейнерлари билан қўшимча жиҳозлаш бўйича манзилли дастур** 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, чиқинди контейнерлари билан жиҳозлаш маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**9.** Қуйидагилар:

**2023 йилда тиббиёт чиқиндиларини зарарсизлантириш объектларини ташкил этиш бўйича манзилли дастур** 7-иловага мувофиқ;

**2023–2025 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини ташкил этиш бўйича манзилли дастур** 8-иловага мувофиқ;

**2023–2024 йилларда қаттиқ маиший чиқинди полигонларида чиқиндиларни саралаш ускуналарини ўрнатиш бўйича манзилли дастур** 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

**а)** тадбирларни молиялаштириш:

2023 йилда тиббиёт чиқиндиларини зарарсизлантириш объектларини ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг 2023–2025 йилларга мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида;

қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини ташкил этиш ҳар йилги маҳаллий бюджет параметрларида назарда тутиладиган маблағлар ҳисобидан;

қаттиқ маиший чиқинди полигонларида чиқиндиларни саралаш ускуналарини ўрнатиш Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари, шунингдек, грантлар, кредитлар, лизинг маблағлари ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

**б)** ушбу манзилли дастурлар доирасида:

тиббиёт чиқиндиларини зарарсизлантириш объектларини ва қайта юклаш станцияларини ташкил этиш, техника ва ускуналарни харид қилиш ҳамда саралаш ускуналарини ўрнатиш ҳудудий “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналари томонидан амалга оширилади;

тиббиёт чиқиндиларини зарарсизлантириш объектлари, қайта юклаш станциялари, уларнинг техника ва жиҳозлари, саралаш ускуналари кейинчалик давлат-хусусий шериклик асосида хусусий шерикларга 10 йил муддатгача мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи билан, бироқ уларни сотиш, ҳадя қилиш, гаровга қўйиш ёки ижарага бериш ҳуқуқисиз берилади;

тиббиёт чиқиндиларини зарарсизлантириш объектларини давлат-хусусий шериклик асосида сотишдан тушадиган маблағлар республика бюджетига, қайта юклаш станциялари бўйича – тегишли маҳаллий бюджетларга, саралаш ускуналари бўйича – Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасига қайтарилади.

**10. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш бўйича республика комиссиясининг янгиланган таркиби** 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш бўйича республика комиссиясига мазкур қарорга 3–9-иловаларда назарда тутилган манзилли дастурларга ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

**11.** Давлат экология қўмитаси **икки ой муддатда:**

Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмасини белгиланган тартибда тугатиш чораларини кўриб, унинг мол-мулки ва бошқа активлари Марказга ўтказилишини таъминласин;

Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази низомини тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**12.** Марказ Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 15-уйга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

QMMB: 07/22/349/0733-son
11.08.2022-y.



**13.** Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат экология қўмитаси раиси Н.Н. Обломурадов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида **ҳар ярим йилда** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/22/349/0733-son
11.08.2022-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 11 августдаги ПҚ–349-сон қарорига
1-илова

## Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази марказий аппаратининг ТУЗИЛМАСИ




Бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони – 40 нафар.

QMMB: 07/22/349/0733-son
11.08.2022-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 11 августдаги ПҚ–349-сон қарорига
2-илова

## Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази ҳудудий филиалларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ

**Бошлиқ**

- Тарифларни ҳисоблаш ва санитар тозалаш ташкилотлари билан ўзаро ҳисоб-китоб ҳужжатларини тайёрлаш сектори — 2
- Санитар хизматлар кўрсатиш учун ҳудудларни бириктириш, тузилган битимлар ва шартномалар шартлари бажарилишини назорат қилиш сектори — 2–4
- Биллинг тизимида абонентлар ҳисоби юритилишини назорат қилиш сектори — 3–4
- Абонентлар билан ишлаш, дебиторлик қарзларни ундириш сектори — 2
- Махсус техника ҳаракатини мониторинг қилиш сектори — 2–4
- Девонхона ишларини юритиш ва мурожаатлар билан ишлаш сектори — 3

Қорақалпоғистон Республикасида –18 нафар
Андижон вилоятида – 18 нафар
Бухоро вилоятида – 16 нафар
Жиззах вилоятида – 16 нафар
Қашқадарё вилоятида – 17 нафар
Навоий вилоятида – 15 нафар
Наманган вилоятида – 16 нафар
Самарқанд вилоятида – 18 нафар
Сурхондарё вилоятида – 17 нафар
Сирдарё вилоятида – 15 нафар
Тошкент вилоятида – 20 нафар
Фарғона вилоятида – 18 нафар
Хоразм вилоятида – 16 нафар
Тошкент шаҳрида – 18 нафар

Ҳудудий филиаллар бошқарув ходимларининг жами сони – 238 нафар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 11 августдаги ПҚ–349-сон қарорига
3-илова

## 2023-2024 йилларда қаттиқ маиший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш бўйича МАНЗИЛЛИ ДАСТУР

*(млн сўм)*

| Т/р | Ҳудудлар номи | Туман (шаҳар)лар номи | Майдони (га) | Тўпланган чиқинди (тн) | Талаб этилаётган маблағ | Шундан: маҳаллий бюджет маблағлари | Шундан: Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Республика бўйича жами** | | | **190,7** | **3 755 292,7** | **27 995,5** | **13 997,8** | **13 997,8** |
| **2023 йил** | | | | | | | |
| 1 | Андижон вилояти | Андижон тумани | 2 | 64 466,0 | 300,0 | 150,0 | 150,0 |
| 2 | Бухоро вилояти | Жондор тумани | 5 | 16 364,0 | 750,0 | 375,0 | 375,0 |
| 3 | Жиззах вилояти | Зомин тумани | 10 | 36 747,0 | 1 500,0 | 750,0 | 750,0 |
| 4 | Навоий вилояти | Навбаҳор тумани | 3 | 30 033,0 | 450,0 | 225,0 | 225,0 |
| | | Кармана тумани | 2 | 3 110,0 | 300,0 | 150,0 | 150,0 |
| 5 | Наманган вилояти | Поп тумани | 5 | 184 327,0 | 750,0 | 375,0 | 375,0 |
| | | Уйчи тумани | 3 | 200 269,0 | 450,0 | 225,0 | 225,0 |
| 6 | Самарқанд вилояти | Оқдарё тумани | 2 | 38 200,0 | 300,0 | 150,0 | 150,0 |
| | | Иштихон тумани | 2,4 | 279 421,0 | 360,0 | 180,0 | 180,0 |
| 7 | Сурхондарё вилояти | Ангор тумани | 3 | 11 125,0 | 450,0 | 225,0 | 225,0 |
| | | Жарқўрғон тумани | 2 | 4 500,0 | 300,0 | 150,0 | 150,0 |
| | | Қизириқ тумани | 2 | 8 975,0 | 300,0 | 150,0 | 150,0 |
| | | Термиз шаҳри | 60 | 89 435,0 | 9 000,0 | 4 500,0 | 4500,0 |
| 8 | Сирдарё вилояти | Ширин шаҳри | 1,8 | 37 409,3 | 270,0 | 135,0 | 135,0 |
| 9 | Тошкент вилояти | Пискент тумани | 1,5 | 48 288,1 | 225,0 | 112,5 | 112,5 |
| | | Чиноз тумани | 4 | 46 812,5 | 600,0 | 300,0 | 300,0 |
| | | Бўка тумани | 2,55 | 66 084,0 | 382,5 | 191,3 | 191,3 |
| 10 | Фарғона вилояти | Фарғона шаҳри | 4 | 60 128,0 | 488,0 | 244,0 | 244,0 |
| | | Данғара тумани | 13 | 401,2 | 1 586,0 | 793,0 | 793,0 |
| 11 | Хоразм вилояти | Урганч тумани | 15 | 1 156 067,0 | 2 250,0 | 1 125,0 | 1125,0 |
| | | Тупроққалъа тумани | 0,5 | 350,0 | 75,0 | 37,5 | 37,5 |
| **Жами** | | | **143,8** | **2 382 512,1** | **21 086,5** | **10 543,3** | **10 543,3** |
| **2024 йил** | | | | | | | |
| 12 | Бухоро вилояти | Шофиркон тумани | 6 | 362 000,0 | 900,0 | 450,0 | 450,00 |
| | | Олот тумани | 3 | 112 000,0 | 450,0 | 225,0 | 225,00 |
| 13 | Навоий вилояти | Томди тумани | 26,4 | 349 783,0 | 3 960,0 | 1 980,0 | 1 980,00 |
| 14 | Наманган вилояти | Мингбулоқ тумани | 2 | 298 591,0 | 300,0 | 150,0 | 150,00 |
| | | Косонсой тумани | 5 | 249 927,0 | 750,0 | 375,0 | 375,00 |
| 15 | Фарғона вилояти | Қўштепа тумани | 2 | 21,0 | 244,0 | 122,0 | 122,00 |
| | | Қувасой шаҳри | 1 | 156,0 | 122,0 | 61,0 | 61,00 |
| | | Қува тумани | 1,5 | 302,6 | 183,0 | 91,5 | 91,50 |
| **Жами** | | | **46,9** | **1 372 780,6** | **6 909,0** | **3 454,5** | **3 454,5** |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 11 августдаги ПҚ–349-сон қарорига
4-илова

**2023–2024 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни
тўплаш шохобчаларини қуриш бўйича
МАНЗИЛЛИ ДАСТУР**

(млн сўм)

| Т/р | Ҳудудлар номи | Янги чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш | |
|---|---|---|---|
| | | **сони** | **суммаси** |
| | **Республика бўйича жами** | **437** | **43 700** |
| | **2023 йил** | | |
| 1 | Нукус шаҳри | 12 | 1 200 |
| 2 | Андижон шаҳри | 3 | 300 |
| 3 | Жиззах шаҳри | 18 | 1 800 |
| 4 | Термиз шаҳри | 55 | 5 500 |
| 5 | Қарши шаҳри | 71 | 7 100 |
| 6 | Навоий шаҳри | 13 | 1 300 |
| 7 | Наманган шаҳри | 85 | 8 500 |
| | **Жами** | **257** | **25 700** |
| | **2024 йил** | | |
| 8 | Бухоро шаҳри | 45 | 4 500 |
| 9 | Самарқанд шаҳри | 67 | 6 700 |
| 10 | Гулистон шаҳри | 10 | 1 000 |
| 11 | Нурафшон шаҳри | 3 | 300 |
| 12 | Фарғона шаҳри | 38 | 3 800 |
| 13 | Урганч шаҳри | 17 | 1 700 |
| | **Жами** | **180** | **18 000** |

QMMB: 07/22/349/0733-son
11.08.2022-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 11 августдаги ПҚ–349-сон қарорига
5-илова

**2022–2024 йилларда қурилиш чиқинди полигонларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича**
**МАНЗИЛЛИ ДАСТУР***

| Т/р | Жойлашган манзили | Ер майдони (га) | Идоравий мансублиги | Жами харажат (млн сўм) | Шу жумладан: полигон атрофини ўраш | | полигонга бориш ва кириш йўлларини асфальтлаш | | маиший хона қуриш (млн сўм) | санитар узел қуриш (млн сўм) | энергия таъминоти тармоқларини тортиш** | | техник сув таъминоти (млн сўм) | автотарози харид қилиш ва ўрнатиш (млн сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | м | млн сўм | км | млн сўм | | | км | млн сўм | | |
| **Республика бўйича жами** | | **169,8** | **х** | **70 973,3** | **20 742,0** | **15 992,2** | **26,2** | **22 323,5** | **6 451,6** | **1 718,5** | **38,5** | **9 242,6** | **5 802,8** | **9 390,0** |
| **2022 йил** | | | | | | | | | | | | | | |
| **Хоразм вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Қўшкўпир тумани "Янгилик" МФЙ | 15 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 2 765,0 | 566,6 | 900,0 | 1,5 | 1 300,0 | 55,0 | 10,0 | 1,5 | 300,0 | 50,0 | 150,0 |
| **жами** | | **15,0** | **х** | **2 765,0** | **566,6** | **900,0** | **1,5** | **1 300,0** | **55,0** | **10,0** | **1,5** | **300,0** | **50,0** | **150,0** |
| **2023 йил** | | | | | | | | | | | | | | |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | | | | | | | | | | | | | | |
| 2 | Беруний тумани "Палваш" МФЙ | 5 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 4925,9 | 1000,0 | 672,9 | 1,0 | 2091,0 | 480,9 | 154,5 | 1,5 | 512,0 | 564,6 | 450,0 |
| **жами** | | **5** | **х** | **4925,9** | **1000,0** | **672,9** | **1,0** | **2091,0** | **480,9** | **154,5** | **1,5** | **512,0** | **564,6** | **450,0** |
| **Андижон вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 3 | Андижон тумани "Ҳакан" саноат ҳудудиди | 5 | "Био тех эко" МЧЖ | 2047,5 | 1300,0 | 552,0 | 1,1 | 90,5 | 135,0 | 70,0 | 1,5 | 650,0 | 100,0 | 450,0 |
| 4 | Хонобод шаҳри Адирлик ҳудуди | 3 | "Хонобод интер транс" МЧЖ | 2213,0 | 2100,0 | 1200,0 | 1,5 | 150,0 | 120,0 | 55,0 | 0,7 | 110,0 | 128,0 | 450,0 |
| **жами** | | **8** | **х** | **4260,5** | **3400,0** | **1752,0** | **2,6** | **240,5** | **255,0** | **125,0** | **2,2** | **760,0** | **228,0** | **900,0** |
| **Бухоро вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 5 | Қоракўл тумани "Тинчлик" МФЙ | 5 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 1965,0 | 1100,0 | 900,0 | 0,1 | 90,0 | 165,0 | 60,0 | 0,3 | 150,0 | 150,0 | 450,0 |
| **жами** | | **5** | **х** | **1965,0** | **1100,0** | **900,0** | **0,1** | **90,0** | **165,0** | **60,0** | **0,3** | **150,0** | **150,0** | **450,0** |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Жиззах вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 6 | Ғаллаорол тумани "Бахт" МФЙ | 5 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 945,0 | 500,0 | 450,0 | 0,4 | 150,0 | | | 0,5 | 45,0 | 150,0 | 150,0 |
| | **жами** | **5** | **х** | **945,0** | **500,0** | **450,0** | **0,4** | **150,0** | **0,0** | **0,0** | **0,5** | **45,0** | **150,0** | **150,0** |
| **Наманган вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 7 | Тўрақўрғон тумани "Бахт" МФЙ | 2 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 4710,0 | 600,0 | 1080,0 | 2,0 | 1500,0 | 540,0 | 90,0 | 2,0 | 600,0 | 450,0 | 450,0 |
| | **жами** | **2** | **х** | **4710,0** | **600,0** | **1080,0** | **2,0** | **1500,0** | **540,0** | **90,0** | **2,0** | **600,0** | **450,0** | **450,0** |
| **Самарқанд вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 8 | Иштихон тумани "Бўстон нурли келажаги" агрофирма ҳудуди | 2,2 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 2036,4 | 374,0 | 237,9 | 0,4 | 600,0 | 180,0 | 40,5 | 2,3 | 378,0 | 150,0 | 450,0 |
| | **жами** | **2,2** | **х** | **2036,4** | **374,0** | **237,9** | **0,4** | **600,0** | **180,0** | **40,5** | **2,3** | **378,0** | **150,0** | **450,0** |
| **Сурхондарё вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 9 | Узун тумани "Ободюрт" МФЙ | 5 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 1618,7 | 1000,0 | 224,0 | 1,0 | 697,0 | 194,0 | 51,5 | 1,0 | 113,7 | 188,2 | 150,0 |
| 10 | Шеробод тумани "Қорабоғ" МФЙ | 5 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 1618,7 | 1000,0 | 224,0 | 1,0 | 697,0 | 194,0 | | 1,0 | 113,7 | 188,2 | 150,0 |
| | **жами** | **10** | **х** | **3237,4** | **2000,0** | **448,0** | **2,0** | **1394,0** | **388,0** | **51,5** | **2,0** | **227,4** | **376,4** | **300,0** |
| **Сирдарё вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 11 | Боёвут тумани "Навбаҳор" сув истемолчилар уюшмаси | 3,8 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 1896,0 | 580,0 | 261,0 | 5,0 | 600,0 | 165,0 | 30,0 | 1,0 | 240,0 | 150,0 | 450,0 |
| | **жами** | **3,8** | **х** | **1896,0** | **580,0** | **261,0** | **5,0** | **600,0** | **165,0** | **30,0** | **1,0** | **240,0** | **150,0** | **450,0** |
| **Фарғона вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 12 | Ўзбекистон тумани "Шўрсув" МФЙ | 20 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 2351,0 | 610,0 | 400,0 | 0,4 | 280,0 | 165,0 | 36,0 | 3,5 | 840,0 | 180,0 | 450,0 |
| | **жами** | **20** | **х** | **2351,0** | **610,0** | **400,0** | **0,4** | **280,0** | **165,0** | **36,0** | **3,5** | **840,0** | **180,0** | **450,0** |
| **Хоразм вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 13 | Қўшкўпир тумани "Янгилик" МФЙ | 15 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 5 530,0 | 1133,4 | 1 800,0 | 2,5 | 2 600,0 | 110,0 | 20,0 | 2,5 | 600,0 | 100,0 | 300,0 |
| | **жами** | **15,0** | **х** | **5 530,0** | **1 133,4** | **1 800,0** | **2,5** | **2 600,0** | **110,0** | **20,0** | **2,5** | **600,0** | **100,0** | **300,0** |
| **Тошкент вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 14 | Оҳангарон тумани | 10 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 4755,0 | 1000,0 | 672,9 | 1,0 | 2091,0 | 480,9 | 154,5 | 1,0 | 341,1 | 564,6 | 450,0 |
| | **жами** | **10** | **х** | **4755,0** | **1000,0** | **672,9** | **1,0** | **2091,0** | **480,9** | **154,5** | **1,0** | **341,1** | **564,6** | **450,0** |
| **2024 йил** | | | | | | | | | | | | | | |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | | | | | | | | | | | | | | |
| 15 | Чимбой тумани "Камыс арык" ОФЙ | 5 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 4925,9 | 1000,0 | 672,9 | 1,0 | 2091,0 | 480,9 | 154,5 | 1,5 | 512,0 | 564,6 | 450,0 |
| | **жами** | **5** | **х** | **4925,9** | **1000,0** | **672,9** | **1,0** | **2091,0** | **480,9** | **154,5** | **1,5** | **512,0** | **564,6** | **450,0** |

QMMB: 07/22/349/0733-son
11.08.2022-y.



| | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Бухоро вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 16 | Когон тумани "Наврўз" МФЙ | 2 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 3060,0 | 800,0 | 600,0 | 0,3 | 150,0 | 900,0 | 60,0 | 1,0 | 900,0 | | 450,0 |
| **жами** | | **2** | **х** | **3060,0** | **800,0** | **600,0** | **0,3** | **150,0** | **900,0** | **60,0** | **1,0** | **900,0** | **0,0** | **450,0** |
| **Жиззах вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 17 | Ш.Рашидов тумани "Ғозғонтепа" МФЙ | 5 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 612,0 | 500,0 | 450,0 | | | | | 2,0 | 162,0 | | |
| **жами** | | **5** | **х** | **612,0** | **500,0** | **450,0** | **0,0** | **0,0** | **0,0** | **0,0** | **2,0** | **162,0** | **0,0** | **0,0** |
| **Қашқадарё вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 18 | Қарши тумани "Ойдин" МФЙ | 5 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 2030,0 | 300,0 | 320,0 | 0,6 | 630,0 | 180,0 | 150,0 | 0,8 | 150,0 | 180,0 | 420,0 |
| 19 | Шаҳрисабз тумани "Танхоз" МФЙ | 2,5 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 2610,0 | 700,0 | 900,0 | 0,6 | 630,0 | 180,0 | 150,0 | 0,8 | 150,0 | 180,0 | 420,0 |
| **жами** | | **7,5** | **х** | **4640,0** | **1000,0** | **1220,0** | **1,2** | **1260,0** | **360,0** | **300,0** | **1,6** | **300,0** | **360,0** | **840,0** |
| **Навоий вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 20 | Ғазғон шаҳри "Мармарабод" МФЙ | 5 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 2489,4 | 850,0 | 540,9 | 0,5 | 750,0 | **180,0** | **40,5** | **2,3** | **378,0** | **150,0** | **450,0** |
| 21 | Қизилтепа тумани "Оқсоч" МЧЖ | 5 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 2489,4 | 850,0 | 540,9 | 0,5 | 750,0 | **180,0** | **40,5** | **2,3** | **378,0** | **150,0** | **450,0** |
| **жами** | | **10** | **х** | **4978,8** | **1700,0** | **1081,8** | **1,0** | **1500,0** | **360,0** | **81,0** | **4,6** | **756,0** | **300,0** | **900,0** |
| **Наманган вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 22 | Чортоқ тумани "Обод диёр" МФЙ | 2 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 3960,0 | 600,0 | 1080,0 | 1,0 | 750,0 | 540,0 | 90,0 | 2,0 | 600,0 | 450,0 | 450,0 |
| **жами** | | **2** | **х** | **3960,0** | **600,0** | **1080,0** | **1,0** | **750,0** | **540,0** | **90,0** | **2,0** | **600,0** | **450,0** | **450,0** |
| **Сирдарё вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 23 | Сайхунобод тумани "Гулистон" сув истемолчилар уюшмаси | 5,3 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 1603,5 | 930,0 | 418,5 | 0,3 | 300,0 | 165,0 | 30,0 | 0,2 | 90,0 | 150,0 | 450,0 |
| **жами** | | **5,3** | **х** | **1603,5** | **930,0** | **418,5** | **0,3** | **300,0** | **165,0** | **30,0** | **0,2** | **90,0** | **150,0** | **450,0** |
| **Самарқанд вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 24 | Булунғур тумани "Улуғбек" массиви | 2 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 1944,9 | 348,0 | 221,4 | 0,4 | 525,0 | 180,0 | 40,5 | 2,3 | 378,0 | 150,0 | 450,0 |
| **жами** | | **2** | **х** | **1944,9** | **348,0** | **221,4** | **0,4** | **525,0** | **180,0** | **40,5** | **2,3** | **378,0** | **150,0** | **450,0** |
| **Фарғона вилояти** | | | | | | | | | | | | | | |
| 25 | Фарғона тумани "Саткак" МФЙ | 20 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 1116,0 | | | 1,2 | 720,0 | | 36,0 | 2,0 | 210,0 | 150,0 | |
| **жами** | | **20** | **х** | **1116,0** | **0,0** | **0,0** | **1,2** | **720,0** | **0,0** | **36,0** | **2,0** | **210,0** | **150,0** | **0,0** |

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Тошкент вилояти** | | | | | | | | | | | | | |
| 26 | Янгийўл тумани "Халқабод" МФЙ | 10 | "Тоза ҳудуд" ДУК | 4755,0 | 1000,0 | 672,9 | 1,0 | 2091,0 | 480,9 | 154,5 | 1,0 | 341,1 | 564,6 | 450,0 |
| **жами** | | **10** | **х** | **4755,0** | **1000,0** | **672,9** | **1,0** | **2091,0** | **480,9** | **154,5** | **1,0** | **341,1** | **564,6** | **450,0** |

*Якуний қийматлар ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига ва танлов (тендер) савдоларини ўтказиш натижаларига мувофиқ аниқлаштирилади.

** Электр тармоқларига уланиш қиймати юқори бўлган тақдирда, муқобил энергия манбаларини ўрнатиш бўйича қарорлар қабул қилиниши мумкин.

*** Андижон вилоятида қурилиши режалаштирилаётган 2 та қурилиш полигони хусусий тадбиркорларнинг ўз маблағларидан молиялаштирилиши кўзда тутилган.

QMMB: 07/22/349/0733-son
11.08.2022-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 11 августдаги ПҚ–349-сон қарорига
6-илова

**2022–2023 йилларда ижтимоий соҳа объектларини чиқинди контейнерлари билан қўшимча жиҳозлаш бўйича**
**МАНЗИЛЛИ ДАСТУР**

*(млн сўм)*

| Т/р | Ҳудудлар номи | Жами чиқинди контей-нерлари | Суммаси | Шундан ташкилотлар кесимида: | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2022 йил | | | | | | 2023 йил | | | | | |
| | | | | мактабгача таълим ташкилотлари | | халқ таълими муассасалари | | соғлиқни сақлаш муассасалари | | мактабгача таълим ташкилотлари | | халқ таълими муассасалари | | соғлиқни сақлаш муассасалари | |
| | | | | сони | суммаси | сони | суммаси | сони | суммаси | сони | суммаси | сони | суммаси | сони | суммаси |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 1645,0 | 7402,5 | 419,0 | 1885,5 | 283,0 | 1273,5 | 121,0 | 544,5 | 418,0 | 1881,0 | 283,0 | 1273,5 | 121,0 | 544,5 |
| 2 | Андижон вилояти | 1481,0 | 6664,5 | 453,0 | 2038,5 | 129,0 | 580,5 | 163,0 | 733,5 | 453,0 | 2038,5 | 120,0 | 540,0 | 163,0 | 733,5 |
| 3 | Бухоро вилояти | 1135,0 | 5107,5 | 200,0 | 900,0 | 268,0 | 1206,0 | 100,0 | 450,0 | 199,0 | 895,5 | 268,0 | 1206,0 | 100,0 | 450,0 |
| 4 | Жиззах вилояти | 929,0 | 4180,5 | 110,0 | 495,0 | 260,0 | 1170,0 | 95,0 | 427,5 | 109,0 | 490,5 | 255,0 | 1147,5 | 100,0 | 450,0 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 1980,0 | 8910,0 | 400,0 | 1800,0 | 360,0 | 1620,0 | 243,0 | 1093,5 | 377,0 | 1696,5 | 360,0 | 1620,0 | 240,0 | 1080,0 |
| 6 | Навоий вилояти | 608,0 | 2736,0 | 114,0 | 513,0 | 184,0 | 828,0 | 12,0 | 54,0 | 114,0 | 513,0 | 184,0 | 828,0 | | |
| 7 | Наманган вилояти | 2005,0 | 9022,5 | 600,0 | 2700,0 | 280,0 | 1260,0 | 123,0 | 553,5 | 599,0 | 2695,5 | 280,0 | 1260,0 | 123,0 | 553,5 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 1321,0 | 5944,5 | 411,0 | 1849,5 | 90,0 | 405,0 | 161,0 | 724,5 | 411,0 | 1849,5 | 87,0 | 391,5 | 161,0 | 724,5 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 1639,0 | 7375,5 | 342,0 | 1539,0 | 320,0 | 1440,0 | 160,0 | 720,0 | 341,0 | 1534,5 | 320,0 | 1440,0 | 156,0 | 702,0 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 412,0 | 1854,0 | 57,0 | 256,5 | 100,0 | 450,0 | 60,0 | 270,0 | 50,0 | 225,0 | 94,0 | 423,0 | 51,0 | 229,5 |
| 11 | Тошкент вилояти | 1070,0 | 4815,0 | 250,0 | 1125,0 | 250,0 | 1125,0 | 65,0 | 292,5 | 203,0 | 913,5 | 250,0 | 1125,0 | 52,0 | 234,0 |
| 12 | Фарғона вилояти | 2584,0 | 11628,0 | 749,0 | 3370,5 | 330,0 | 1485,0 | 220,0 | 990,0 | 740,0 | 3330,0 | 330,0 | 1485,0 | 215,0 | 967,5 |
| 13 | Хоразм вилояти | 1342,0 | 6039,0 | 315,0 | 1417,5 | 273,0 | 1228,5 | 94,0 | 423,0 | 302,0 | 1359,0 | 273,0 | 1228,5 | 85,0 | 382,5 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 716,0 | 3222,0 | 143,0 | 643,5 | 121,0 | 544,5 | 98,0 | 441,0 | 143,0 | 643,5 | 121,0 | 544,5 | 90,0 | 405,0 |
| **Жами** | | **18867,0** | **84901,5** | **4563,0** | **20533,5** | **3248,0** | **14616,0** | **1715,0** | **7717,5** | **4459,0** | **20065,5** | **3225,0** | **14512,5** | **1657,0** | **7456,5** |

QMMB: 07/22/349/0733-son
11.08.2022-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 11 августдаги ПҚ–349-сон қарорига
7-илова

**2023 йилда тиббиёт чиқиндиларини зарарсизлантириш объектларини ташкил этиш бўйича**
**МАНЗИЛЛИ ДАСТУР**

| Т/р | Ҳудудлар номи | Тиббиёт чиқиндиларини утилизация қилиш участкасини қуриш | | Ускуна ва махсус техникалар харид қилиш | | | | | | Жами (млрд сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | инсинератор | | автоклав | | махсус техникалар | | |
| | | сони | суммаси (млрд сўм) | сони | суммаси (млрд сўм) | сони | суммаси (млрд сўм) | сони | суммаси (млрд сўм) | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 3 | 1,78 | 2 | 2,08 | 1 | 2,80 | 4 | 2,68 | 9,33 |
| 2 | Андижон вилояти | 5 | 2,78 | 3 | 2,99 | 2 | 5,32 | 6 | 3,88 | 14,95 |
| 3 | Бухоро вилояти | 3 | 1,78 | 2 | 2,08 | 1 | 2,80 | 4 | 2,68 | 9,33 |
| 4 | Жиззах вилояти | 3 | 1,78 | 2 | 2,08 | 1 | 2,80 | 4 | 2,68 | 9,33 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 4 | 2,28 | 3 | 2,99 | 1 | 2,80 | 6 | 3,88 | 11,93 |
| 6 | Навоий вилояти | 3 | 1,78 | 2 | 2,08 | 1 | 2,80 | 4 | 2,68 | 9,33 |
| 7 | Наманган вилояти | 5 | 2,78 | 3 | 2,99 | 2 | 5,32 | 6 | 3,88 | 14,95 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 6 | 3,28 | 4 | 3,89 | 2 | 5,32 | 8 | 5,08 | 17,56 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 3 | 1,78 | 2 | 2,08 | 1 | 2,80 | 4 | 2,68 | 9,33 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 3 | 1,78 | 2 | 2,08 | 1 | 2,80 | 4 | 2,68 | 9,33 |
| 11 | Тошкент вилояти | 5 | 2,78 | 3 | 2,99 | 2 | 5,32 | 6 | 3,88 | 14,95 |
| 12 | Фарғона вилояти | 6 | 3,28 | 4 | 3,89 | 2 | 5,32 | 8 | 5,08 | 17,56 |
| 13 | Хоразм вилояти | 4 | 2,28 | 3 | 2,99 | 1 | 2,80 | 6 | 3,88 | 11,93 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 7 | 3,78 | 5 | 4,79 | 2 | 5,32 | 10 | 6,28 | 20,16 |
| **Жами** | | **60** | **33,87** | **40** | **39,99** | **20** | **54,27** | **80** | **51,87** | **180,00** |

QMMB: 07/22/349/0733-son
11.08.2022-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 11 августдаги ПҚ–349-сон қарорига
8-илова

## 2023–2025 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини ташкил этиш бўйича
## МАНЗИЛЛИ ДАСТУР

*(млн сўм)*

| Т/р | Ҳудудлар номи | Жами талаб этиладиган маблағ | Шу жумладан: | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | қайта юклаш станцияларини қуриш | | катта ҳажмдаги чиқинди контейнерларини ташишга мўлжалланган махсус техника харид қилиш | | контейнерлар ўрнатиш (60 м3 ҳажмли) | | автоюклагич харид қилиш | | трактор харид қилиш | |
| | | | сони | суммаси | сони | суммаси | сони | суммаси | сони | суммаси | сони | суммаси |
| **Республика бўйича жами** | | | | | | | | | | | | |
| **Жами** | | **453654** | **38** | **217512** | **86** | **111456** | **181** | **48870** | **39** | **33696** | **39** | **42120** |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | **34560** | 3 | 17172 | 6 | 7776 | 14 | 3780 | 3 | 2592 | 3 | 3240 |
| 2 | Андижон вилояти | **38070** | 3 | 17172 | 7 | 9072 | 15 | 4050 | 4 | 3456 | 4 | 4320 |
| 3 | Бухоро вилояти | **26352** | 2 | 11448 | 6 | 7776 | 12 | 3240 | 2 | 1728 | 2 | 2160 |
| 4 | Жиззах вилояти | **26352** | 2 | 11448 | 6 | 7776 | 12 | 3240 | 2 | 1728 | 2 | 2160 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | **45360** | 4 | 22896 | 8 | 10368 | 16 | 4320 | 4 | 3456 | 4 | 4320 |
| 6 | Навоий вилояти | **23220** | 2 | 11448 | 4 | 5184 | 10 | 2700 | 2 | 1728 | 2 | 2160 |
| 7 | Наманган вилояти | **26352** | 2 | 11448 | 6 | 7776 | 12 | 3240 | 2 | 1728 | 2 | 2160 |
| 8 | Самарқанд вилояти | **43524** | 4 | 22896 | 7 | 9072 | 14 | 3780 | 4 | 3456 | 4 | 4320 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | **45360** | 4 | 22896 | 8 | 10368 | 16 | 4320 | 4 | 3456 | 4 | 4320 |
| 10 | Сирдарё вилояти | **26352** | 2 | 11448 | 6 | 7776 | 12 | 3240 | 2 | 1728 | 2 | 2160 |
| 11 | Тошкент вилояти | **45900** | 4 | 22896 | 8 | 10368 | 18 | 4860 | 4 | 3456 | 4 | 4320 |
| 12 | Фарғона вилояти | **45900** | 4 | 22896 | 8 | 10368 | 18 | 4860 | 4 | 3456 | 4 | 4320 |
| 13 | Хоразм вилояти | **26352** | 2 | 11448 | 6 | 7776 | 12 | 3240 | 2 | 1728 | 2 | 2160 |

| Т/р | Ҳудудлар номи | Жами талаб этиладиган маблағ | қайта юклаш станцияларини қуриш | | катта ҳажмдаги чиқинди контейнерларини ташишга мўлжалланган махсус техника харид қилиш | | контейнерлар ўрнатиш (60 м3 ҳажмли) | | автоюклагич харид қилиш | | трактор харид қилиш | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | сони | суммаси | сони | суммаси | сони | суммаси | сони | суммаси | сони | суммаси |
| **2023 йил** | | | | | | | | | | | | |
| **Жами** | | **153 900,0** | **13** | **74 412** | **31** | **40 176** | **52** | **14 040** | **13** | **11 232** | **13** | **14 040** |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | **10 800,0** | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 2 | 540,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 2 | Андижон вилояти | **10 800,0** | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 2 | 540,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 3 | Бухоро вилояти | **13 176,0** | 1 | 5 724,0 | 3 | 3 888,0 | 6 | 1 620,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 4 | Жиззах вилояти | **13 176,0** | 1 | 5 724,0 | 3 | 3 888,0 | 6 | 1 620,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | **10 800,0** | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 2 | 540,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 6 | Навоий вилояти | **11 340,0** | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 4 | 1 080,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 7 | Наманган вилояти | **13 176,0** | 1 | 5 724,0 | 3 | 3 888,0 | 6 | 1 620,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 8 | Самарқанд вилояти | **10 800,0** | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 2 | 540,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | **10 800,0** | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 2 | 540,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 10 | Сирдарё вилояти | **13 176,0** | 1 | 5 724,0 | 3 | 3 888,0 | 6 | 1 620,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 11 | Тошкент вилояти | **11 340,0** | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 4 | 1 080,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 12 | Фарғона вилояти | **11 340,0** | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 4 | 1 080,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 13 | Хоразм вилояти | **13 176,0** | 1 | 5 724,0 | 3 | 3 888,0 | 6 | 1 620,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |

| Т/р | Ҳудудлар номи | Жами талаб этиладиган маблағ | қайта юклаш станцияларини қуриш | | катта ҳажмдаги чиқинди контейнерларини ташишга мўлжалланган махсус техника харид қилиш | | контейнерлар ўрнатиш (60 м3 ҳажмли) | | автоюклагич харид қилиш | | трактор харид қилиш | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | сони | суммаси | сони | суммаси | сони | суммаси | сони | суммаси | сони | суммаси |
| **2024 йил** | | | | | | | | | | | | |
| **Жами** | | **154 440** | **13** | **74 412** | **31** | **40 176** | **54** | **14 580** | **13** | **11 232** | **13** | **14 040** |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | **10 800** | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 2 | 540,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 2 | Андижон вилояти | **10 800** | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 2 | 540,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 3 | Бухоро вилояти | **13 176** | 1 | 5 724,0 | 3 | 3 888,0 | 6 | 1 620,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 4 | Жиззах вилояти | **13 176** | 1 | 5 724,0 | 3 | 3 888,0 | 6 | 1 620,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | **10 800** | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 2 | 540,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 6 | Навоий вилояти | **11 880** | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 6 | 1 620,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 7 | Наманган вилояти | **13 176** | 1 | 5 724,0 | 3 | 3 888,0 | 6 | 1 620,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 8 | Самарқанд вилояти | **10 800** | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 2 | 540,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | **10 800** | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 2 | 540,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 10 | Сирдарё вилояти | **13 176** | 1 | 5 724,0 | 3 | 3 888,0 | 6 | 1 620,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 11 | Тошкент вилояти | **11 340** | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 4 | 1 080,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 12 | Фарғона вилояти | **11 340** | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 4 | 1 080,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 13 | Хоразм вилояти | **13 176** | 1 | 5 724,0 | 3 | 3 888,0 | 6 | 1 620,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |

| Т/р | Ҳудудлар номи | Жами талаб этиладиган маблағ | қайта юклаш станцияларини қуриш | | катта ҳажмдаги чиқинди контейнерларини ташишга мўлжалланган махсус техника харид қилиш | | контейнерлар ўрнатиш (60 м3 ҳажмли) | | автоюклагич харид қилиш | | трактор харид қилиш | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | сони | суммаси | сони | суммаси | сони | суммаси | сони | суммаси | сони | суммаси |
| 2025 йил | | | | | | | | | | | | |
| Жами | | 145 314 | 12 | 68 688 | 24 | 31 104 | 75 | 20 250 | 13 | 11 232 | 13 | 14 040 |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 12 960 | 1 | 5 724,0 | 2 | 2 592,0 | 10 | 2 700,0 | 1 | 864,0 | 1 | 1 080,0 |
| 2 | Андижон вилояти | 16 470 | 1 | 5 724,0 | 3 | 3 888,0 | 11 | 2 970,0 | 2 | 1 728,0 | 2 | 2 160,0 |
| 3 | Қашқадарё вилояти | 23 760 | 2 | 11 448,0 | 4 | 5 184,0 | 12 | 3 240,0 | 2 | 1 728,0 | 2 | 2 160,0 |
| 4 | Самарқанд вилояти | 21 924 | 2 | 11 448,0 | 3 | 3 888,0 | 10 | 2 700,0 | 2 | 1 728,0 | 2 | 2 160,0 |
| 5 | Сурхондарё вилояти | 23 760 | 2 | 11 448,0 | 4 | 5 184,0 | 12 | 3 240,0 | 2 | 1 728,0 | 2 | 2 160,0 |
| 6 | Тошкент вилояти | 23 220 | 2 | 11 448,0 | 4 | 5 184,0 | 10 | 2 700,0 | 2 | 1 728,0 | 2 | 2 160,0 |
| 7 | Фарғона вилояти | 23 220 | 2 | 11 448,0 | 4 | 5 184,0 | 10 | 2 700,0 | 2 | 1 728,0 | 2 | 2 160,0 |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 11 августдаги ПҚ–349-сон қарорига
9-илова

**2023–2025 йилларда қаттиқ маиший чиқинди полигонларида чиқиндиларни саралаш ускуналарини ўрнатиш бўйича**
**МАНЗИЛЛИ ДАСТУР**

*(млн сўм)*

| Т/р | Ҳудудлар номи | Саралаш ускунаси ўрнатиладиган полигон жойлашган ҳудуд номи | Саралаш ускунасини ўрнатиш харажатлари |
|---|---|---|---|
| **Республика бўйича жами** | | | **148 500** |
| **2023 йил** | | | |
| 1 | Бухоро вилояти | Қоровулбозор тумани | 3 500 |
| 2 | | Ғиждувон тумани | 3 000 |
| 3 | | Ромитан тумани | 3 000 |
| 4 | Андижон вилояти | Бўстон тумани | 4 000 |
| 5 | | Хўжаобод тумани | 5 000 |
| 6 | | Андижон тумани | 5 000 |
| 7 | Наманган вилояти | Тўрақўрғон тумани | 5 000 |
| 8 | | Поп тумани | 3 000 |
| 9 | Фарғона вилояти | Данғара тумани | 5 000 |
| 10 | | Сўх тумани | 2 500 |
| 11 | | Ўзбекистон тумани | 3 500 |
| 12 | | Фарғона тумани | 5 000 |
| 13 | Сурхондарё вилояти | Узун тумани | 3 000 |
| 14 | | Шеробод тумани | 3 500 |
| **Жами** | | | **54 000** |
| **2024 йил** | | | |
| 15 | Жиззах вилояти | Ш.Рашидов тумани | 3 500 |
| 16 | | Ғаллаорол тумани | 3 000 |
| 17 | | Зомин тумани | 3 000 |
| 18 | Самарқанд вилояти | Нарпай тумани | 5 000 |
| 19 | | Нуробод тумани | 2 500 |
| 20 | Тошкент вилояти | Паркент тумани | 5 000 |
| 21 | | Оҳангарон тумани | 5 000 |
| 22 | | Бўка тумани | 5 000 |
| 23 | | Бекобод тумани | 2 500 |
| 24 | | Янгийўл тумани | 5 000 |
| **Жами** | | | **39 500** |
| **2025 йил** | | | |
| 25 | Қорақалпоғистон Республикаси | Нукус тумани | 3 500 |
| 26 | | Қўнғирот тумани | 3 000 |
| 27 | Қашқадарё вилояти | Чироқчи тумани | 5 000 |
| 28 | | Шаҳрисабз тумани | 5 000 |
| 29 | | Нишон тумани | 3 500 |
| 30 | | Косон тумани | 3 500 |
| 31 | | Ғузор тумани | 3 500 |
| 32 | Хоразм вилояти | Хива тумани | 2 500 |
| 33 | | Қўшкўпир тумани | 3 000 |
| 34 | Навоий вилояти | Зарафшон шаҳри | 3 500 |
| 35 | | Навбаҳор тумани | 3 000 |
| 36 | | Қизилтепа тумани | 2 500 |
| 37 | | Хатирчи тумани | 2 500 |
| 38 | Сирдарё вилояти | Мирзаобод тумани | 5 000 |
| 39 | | Сардоба тумани | 3 000 |
| 40 | | Сайхунобод тумани | 3 000 |
| **Жами** | | | **55 000** |

QMMB: 07/22/349/0733-son
11.08.2022-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 11 августдаги ПҚ–349-сон қарорига
10-илова

**Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш бўйича республика комиссияси ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| А.Ж. Раматов | – | Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, *Комиссия раиси* |
| Н.Н. Обломурадов | – | Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, *Комиссия раиси ўринбосари* |
| Ш.А. Абидов | – | Вазирлар Маҳкамаси котибияти мудири |
| А.Я. Хайдаров | – | молия вазири ўринбосари |
| А.М. Бобоев | – | иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари |
| Б.М. Абдуллаев | – | ички ишлар вазири ўринбосари |
| Д.К. Адилов | – | қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари |
| Б.Қ. Юсупалиев | – | Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати раҳбари, Бош давлат санитария врачи |
| Лавозимига кўра | – | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари, қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари |
| Б.Ш. Шукуров | – | Вазирлар Маҳкамаси бўлим мудири, *Комиссия котиби* |

*Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1